



**GEFнинг  
8-АССАМБЛЕЯСИ**  
биохилма-хиллик  
ва барқарор  
ривожланиш  
масалаларида халқаро  
ҳамкорликни кучайтиришга  
хизмат қилади

**ЧИҚИНДИДАН ФОЙДАЛИ  
МАҲСУЛОТ:  
«ЕСОМАТPRO»  
ЭКОЛОГИК  
ТАШАББУСИ**



# ЖАММИЯТ

№ 9 (979)  
2026 йил  
2 апрель,  
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



**МАҲАЛЛАЛАРДАГИ  
МУАММОЛАР**



**ХИЁНАТ ВА  
ОҚИБАТ:  
ЯРАШТИРИШНИНГ  
ЧЕГАРАСИ БОР**

**Ёки  
ИШОНЧ  
Йўқолган  
жойда  
қарор  
кимники?**

**БИРГА ЯШИЛ ЗАМИН ЯРАТАМИЗ!**



Фаолият

**БИРГА ЯШИЛ ЗАМИН**

**ЯРАТАМИЗ!**

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, унинг қўйи ташкилотлари, Тошкент шаҳрининг туман ҳокимликлари ва «Замин» фонди «Яшил замин» лойиҳасини амалга ошириш даврида экилган барча яшил ҳудудлар мониторингини ўтказди.



**ЖАМИЯТ**

2026 йил 2 апрель № 9 (979)



Мутахассислар ҳар бир яшил ҳудуднинг умумий ҳолатини дарахтлар ва буталарнинг соғломлиги; зараркунандалар ёки касалликларнинг мавжудлиги; ишчи суғориш тизимининг мавжудлиги; ўсимликларни қўшимча экиш, даволаш ва мулчалош зарурати; шунингдек, ёруғликнинг мавжудлиги ва яқин атрофдаги ҳудудлар аҳолисининг ўз маҳаллаларини ободонлаштиришдаги иштироки каби бир неча асосий мезонлар бўйича баҳоладилар.

Комплекс ёндашув муаммолари участкаларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида соғломлаштириш чораларини кўришни таъминлайди. Бу кўчатлар умрбоқийлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли ўртасида табиатга масъулият билан муносабатда бўлиш маданиятини шакллантириш, қулай ва хавфсиз жамоат жойларини яратишга ёрдам беради.

Бирга яшил замин яратамиз!



## GEFнинг 8-Ассамблеяси

**биохилма-хиллик ва барқарор  
ривожланиш масалаларида  
халқаро ҳамкорликни  
кучайтиришга хизмат қилади**



**2026 йил 30  
майдан 6 июнгача  
Самарқанд шаҳрида  
экология соҳасидаги  
энг муҳим халқаро  
тадбирлардан бири  
— Глобал экологик  
фонднинг (GEF)  
8-Ассамблеяси  
бўлиб ўтади.**

Бу фонднинг энг юқори бошқарув органи бўлиб, ҳар тўрт йилда бир марта экологик сиёсат ва молиялаштириш бўйича глобал устувор йўналишлар белгиланади. Тадбирда 186 давлат вакиллари — вазирлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, бизнес, илмий жамоатчилик, фуқаролик жамияти, шунингдек, ёшлар ва маҳаллий халқлар иштирок этади.

Ассамблея марказида глобал экологик мақсадларга эришишни жадаллаштириш бўйича ечимлар ишлаб чиқиш масаласи туради. Бой дастур доирасида иқлим

ўзгариши ва унинг оқибатларига бардошлиликни ошириш, биохилма-хилликни сақлаш, ер деградацияси ва чўлланишга қарши кураш, сув ресурсларини бошқариш ҳамда атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш каби масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, 2026–2030-йилларга мўлжалланган GEFнинг янги молиявий дастурига (GEF-9) алоҳида эътибор қаратилиб, у табиат, иқлим ва ифлосланишга қарши кураш масалаларини бирлаштирувчи комплекс ёндашувга асосланади.

Ассамблея дастури турли форматдаги тадбирларни ўз ичига олади, бу эса иштирокчиларга фикр алмашиш билан бирга амалий ечимлар ишлаб чиқиш имконини беради. Юқори даражадаги пленар йиғилишлар ўтказилиб, уларда асосий қарорлар қабул қилинади. Шунингдек, вазирлар даражасидаги ва мавзули давра суҳбатлари, фуқаролик жамияти форумлари, параллел тадбирлар ҳамда лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтиши кутилмоқда. Бундан ташқари, Ассамблея доирасида GEF Кенгаши йиғилишлари ўтказилиб, лойиҳалар ва молиявий

ташаббуслар кўриб чиқилади.

Ассамблея нафақат мулоқот майдони, балки муҳим қарорлар қабул қилиш механизми ҳам ҳисобланади. Тадбир давомида давлатлар GEF фаолиятининг стратегик йўналишларини тасдиқлайди, молиявий ресурсларни тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилади, экологик лойиҳаларни тақдим этади ва илгари суради, шунингдек, янги халқаро ҳамкорликларни шакллантиради. Ўзбекистон ва, умуман, Марказий Осиё минтақаси учун Ассамблеяни ўтказиш инвестицияларни жалб қилиш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва экологик кун тартибини глобал даражада илгари суриш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Анъанавий равишда Ассамблеяда ҳукумат делегациялари, халқаро ташкилотлар, донорлар ва молиявий институтлар, хусусий сектор вакиллари, экологик фаоллар ҳамда нодавлат ташкилотлар иштирок этади. Бу эса уни экологик сиёсатни мувофиқлаштириш ва ресурсларни сафарбар этиш бўйича энг муҳим глобал майдонлардан бирига айлантиради.

Самарқандда ўтказиладиган GEFнинг 8-Ассамблеяси яқин йиллар учун глобал экологик кун тартибини шакллантиришда муҳим босқич бўлиб, иқлим, биохилма-хиллик ва барқарор ривожланиш масалаларида халқаро ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
«Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори  
қабул қилинди. Ушбу Низомда миллий табиий  
мерос объектларининг мақоми, турлари, рўйхатини  
шакллантириш ҳамда ҳудудларида қурилиш  
ишларини амалга ошириш тартиби белгиланди.



## МИЛЛИЙ ТАБИИЙ МЕРОС

## ОБЪЕКТЛАРИГА ДОИР ЗАРУР ТАЛАБЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Маълумот учун, Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари қуйидаги турларга бўлинади:

► биологик — 50 йиллик ва ундан ортиқ ёшдаги дарахтлар, реликт дарахтзорлар, қимматбаҳо дарахт турлари бўлган ўрмонлар, табиий ландшафтлар ва экотизимлар, Бутунжаҳон биосфера қўриқхоналари, Рамсар конвенцияси объектлари, диққатга сазовор табиий жойлар, мавсумий табиий ҳодисалар, қатъий чегараланган зоналар (ўсимлик ва ҳайвонларнинг муҳим ўсиш ҳамда яшаш ареаллари, муҳим орнитологик ҳудудлар, муҳим биологик хилма-хил ҳудудлар);

► геологик — геологик кесимлар, геоморфологик объектлар, табиий геологик тузилма, глобал геопарклар, физиографик тузилмалар, шифобахш конлар ёки ётқизикли жойлар, табиий ёдгорликлар;

► гидрологик — табиий сув ҳавзаси, шаршара, булоқ, кўл ва дарёлар;

► палеонтологик — қадимги ҳаёт шакллари қолдиқлари.

Низомга кўра, Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларига муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилди. Бу объектлар Умумжаҳон маданий ва табиий мероси ҳамда Рамсар конвенцияси объектлари рўйхатига, шунингдек, Бутунжаҳон биосфера қўриқхоналари ва Глобал геопарклар тармоғига киритилиши мумкин.

Қолаверса, давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат буюртма қўриқхоналари, давлат табиат ёдгорликлари, шунингдек, давлат биосфера резерватлари миллий табиат боғлари рўйхатига киритилади.

**Табиий объект Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритилиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:**

► биофизик жараёнлар ва рельеф шаклининг ўзига хослиги ҳамда бузилмаган бўлиши;

► табиий ҳолатда бўлган асосий ўзаро алоқа ва боғлиқлик элементларининг барчасини ёки кўп қисмини ўз ичига олиши;

► экотизим ва биохилма-хилликни узоқ муддатли сақлашда аҳамиятли бўлган табиий жараёнларнинг зарур бўлган барча элементларини қамраб олиши;

► биохилма-хилликни сақлаш нуқтаи назардан муҳим объект бўлиши, тегишли биогеографик минтақа ва экотизимларга хос фауна ва флора яшаш ҳудудларини ҳамда уларнинг ареалларини қамраб олиши;

► кўчиб юривчи турларнинг яшаш ҳудудлари, кўпайиш ва уялаш жойлари ҳамда кўчиш

йўллари мавжуд бўлиши;

► биохилма-хиллик ёки инсоният ҳаёти учун аҳамиятли ҳисобланган гидрологик объектлар мавжуд бўлиши;

► ер ривожланиши тарихини ўзида акс эттирган геологик кесим ва тузилмани, геоморфологик объект, палеонтологик ётқизиклар, ҳосилалар ёки объектлар ҳамда шифобахш кон ёки ётқизикли ҳудудларни қамраб олиши.

Низомга кўра, Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларида табиий ресурсларни қазиб олиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказиш, ноқонуний қурилишларни амалга ошириш, дарахт ва буталарни кесиш, гидрологик ва гидродеологик режимни ўзгартирадиган ҳаракатлар, тупроқ эрозияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар бериш, йўл ва муҳандислик-коммуникация ишларини амалга ошириш тақиқланади.

Шунингдек, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш, оқова сувларни оқизиш, заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш, ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш, заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш, кимё, целлюлоза-қоғоз ва металлургия саноати корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини жойлаштириш, шунингдек, суғориш учун «шарбат» (суёқ гўнг) ишлатиш, транспорт воситаларини қўйиб туриш, уларга ёнилғи қуйиш, ювиш ва таъмирлаш жойларини ташкил этиш, нефт маҳсулотлари омборларини ташкил қилиш, зиғир, каноп ва тери ювиш ҳамда тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш мумкин эмас.

Ўзбекистон миллий табиий мерос объекти ҳудудида қурилиш ишларини амалга оширишда маълум талаблар белгиланади. Жумладан, иншоот баландлиги, ташқи кўриниши ва ишлатиладиган материаллар маҳаллий ландшафтга тўлиқ уйғун бўлиши, қурилишда фақат табиий ва экологик тоза материаллардан фойдаланилиши лозим. Қурилишда рельефни ўзгартириш, дарахтларни кесиш, ўсимликларга зарар етказиш ва сув объектларининг табиий ўзанларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Талаблар бузилган тақдирда қурилиш ишлари зудлик билан тўхтатилади ва айбдор шахсларга ҳудудни рекултивация қилиш (аввалги ҳолатига қайтариш) мажбурияти юкланади ҳамда етказилган зарар белгиланган тартибда ундирилади.

Бундан ташқари, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, кўп квартиралли уйлар ва баланд иншоотлар, чиқинди полигонлари ва кимёвий моддалар омборларини қуришга рухсат берилмайди.





# МАҲАЛЛАЛАРДАГИ

## Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг асосий эътиборида

Президентимизнинг 2024 йил 26 август куни имзолаган «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармон соҳада янги тараққиёт босқичини бошлаб берган эди.

Ўтган қисқа давр мобайнида ана шу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат асосида давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини қўзлаган, жойларда сақлаиб қолётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатишга устувор вазифалардан бири сифатида ёндашиляпти.

Фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амал-

га ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклиф киритиш ҳуқуқи берилгани айни муддао бўлди. Бунда ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибга мувофиқ давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома бериш амалиёти ижобий натижа кўрсатмоқда. Парламент комиссияси аъзолари, Жамоат фонди марказий ва ҳудудий бўлимлари вакилларида иборат ишчи гуруҳ республиканинг барча ҳудудларида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни аниқлаб, ана шу асосда давлат гранти танловларини эълон қилаётгани ҳар тарафлама манфаатли бўлмоқда. Бу билан грант танловлари аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва тарбия, маданият, спорт, санитаргигиена, соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, коррупцияга қарши кураш каби муҳим йўналишларни қамраб олишга эришиляпти.

Фикрларимиз тасдиғини биргина яқунланган 2025 йили Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди Наманган вилоят бўлими мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Вилоят

бўйича Жамоат фонди томонидан эълон қилинган 7 та танловга 32 та, ҳудудий бўлим томонидан эълон қилинган 4 та танловга эса 17 та лойиҳа тақдим этилган. Жами 49 та лойиҳадан 12 таси ғолиб деб топилди. Ғолиб бўлган наманганлик лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 1 миллиард 230 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бу маҳаллий муаммоларни жойида ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Грант танловида битта лойиҳа 200 миллион сўмгача молиялаштирилди. Бу маҳаллий ташаббуслар учун етарли иқтисодий пойдевор яратди. Грантлардан ташқари, 2025 йилда давлат ижтимоий буюртмалари асосида ҳам лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари йўлга қўйилди. Буюртмалар турли соҳаларни қамраб олган. Соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маданий мерос, таълим, аҳолини муҳофаза қилиш, коррупцияга қарши кураш каби долзарб йўналишлардаги буюртмаларга тегишли ташкилотлар танлов эълон қилган. «Юксалиш» ҳаракатига ҳар йили жамоатчилик кенгашлари фаолият самарадорлигини баҳолаш ва унинг натижаларини ўз расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиб бориш тавсия этилган.

Ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида «Фуқаролик жамияти ҳафталиги»ни ўтказиб бориш, унинг доирасида Олий Мажлис, Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва

киллари билан учрашув ва мулоқот ўтказиш, фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш бўйича тадбирлар ташкил этиш, шу жумладан, «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони билан тақдирлаб борилади. Ҳар икки йилда Фонд томонидан тақдирланган «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофотини таъсис этилиши қувонарли ҳолдир. Булар, табиийки, жамият тараққиётига таянч ҳисобланган ННТларни янада кўпроқ ва юксак масъулият билан ишлашга руҳлантирмоқда.

Ўтган давр мобайнида фармон ижроси бўйича қатор ибратли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўляпмиз. Улардан бири журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этиш тўғрисидаги таклиф рўёбидан беҳад мамнунмиз. 2025 йилги касб байрамимизда илк бор мазкур йўналиш ғолиби бўлган журналистлар тақдирландилар.

Яна бир эътиборга лойиқ амалий иш танлов жараёнлари рақамлашган ҳолда ngo.gov.uz электрон платформасида амалга оширилганидир. Ҳар бир лойиҳа онлайн баҳоланди ва барча натижалар очик тақдим этилди. Муқаддам ариза по-



чта орқали юборилар, унинг етиб борган-бормаганлигидан кўпинча беҳабар қолардик. Ҳафталаб, ойлаб кутардик якунини. Эндиликда ўша кунлик қабул қилинаётгани қувонарлидир. Танловда шаффофлик янада кучайиши унда иштирок этувчиларнинг имкониятлари тагин ҳам кенгайишида муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг фонднинг “Коррупция – жамият тараққиётининг кушандасидир” шиори остида тарғибот ишларини олиб бориш йўналишида “Коррупция – тараққиётга таҳдид, умрга заво” лойиҳаси билан қатнашиб, грант ғолиби бўлганлигимиз мисолида яққол кўриш мумкин.

фонди Наманган вилоят бўлими директори Дилмурод Нейматов. – Вилоятимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун давлат субсидияси доирасида 3 миллиард 835 миллион 800 минг сўм, давлат грантлари орқали 2 миллиард сўмдан ортиқ, давлат ижтимоий буюртмаси асосида 800 миллион сўм маблағлар очик ва шаффоф танловлар асосида молиялаштириб берилди. Энг асосий натижа шундаки, фуқаролик жамияти институтларининг жамиятдаги роли янада ошди. Улар давлатнинг ишончли ҳамкорига айланди ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда бевосита қатнашмоқда. Бу эса ПФ–124-сонли фармон-

## МУАММОЛАР

Илгари ижтимоий тармоқларда Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг расмий канали бўларди. Бугунги кунда вилоятда нафақат бундай канал, балки грант танлови ғолиблари учун ҳам махсус телеграм гуруҳи фаолият юритмоқда. Бу орқали ўзаро тажриба ҳам алмашиб боришимиз, кўпчиликка маъқул келяпти. Қолаверса, пойтахтдан туриб, соҳа раҳбар ва етук мутахассислари томонидан «Zoom» йиғилишлари ўтказиб борилаётгани айни муддао бўлмоқда. Уларда жойлардаги ННТ вакиллари, жумладан, лойиҳа ғолибларини қизиқтираётган саволларга жавоб қайтарилмоқда, юзага келатган муаммоларга ечим топилапти.

Яқинда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов раислигида ўтказилган Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди вилоят бўлинмасининг 2025 йилда амалга оширилган ишлари ҳамда 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифалари юзасидан йиллик ҳисобот йиғилишида ҳам ана шулар ҳақида гап борди.

– Фармонда нодавлат нотижорат ташкилотларини моддий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш, давлат грантлари, субсидиялари ва ижтимоий буюртмалар ҳажмини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Улар 2025 йилги фаолиятимизнинг асосини ташкил этди, – дейди Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат

да кўзда тутилган мақсадларнинг амалдаги тасдиғидир.

Сухбатдошимизнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, асосий эътиборни маҳаллаларда юзага келган муаммоларни ҳал этишга, аҳолини рози қилишга қаратилмоқда. Маблағлар таълим, тиббиёт, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, коррупцияга қарши кураш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда маҳаллаларда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган лойиҳаларга йўналтириляпти. Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар сонини ошириш ва ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш устувор вазифага айланган.

Мухтасар қилиб айтганда, иқтисодий тараққиёт ва бунёдкорликнинг иккинчи уйғониш даври бошланган Наманганда нодавлат нотижорат ташкилотларининг Янги Ўзбекистонимиз янада тараққий этиши, халқимиз турмуш фаровонлиги тагин ҳам ошиши, маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтиришдек олижаноб мақсадлар рўёбга чиқиши йўлидаги бутун куч, имкониятлари ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаверади.

**Қосимжон АКБАРОВ,**  
**Ўзбекистон Журналистлар**  
**уюшмаси аъзоси, «Мингбулоқ»**  
**газетаси муҳаррири.**  
**Наманган вилояти.**



## «ЕСОМАТПРО» ЭКОЛОГИК ТАШАББУСИ



**Бугунги кунда пластик чиқиндилар муаммоси дунё миқёсида энг долзарб экологик масалалардан бири бўлиб қолмоқда.**

**Айниқса, кундалик ҳаётда кенг қўлланиладиган целлофан пакетлар табиатда жуда секин парчаланаяди ва тупроқ ҳамда сув муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли пластик чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқариш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.**

Озиқ-овқат технологиялари ва муҳандислиги халқаро институти Биотехнология йўналиши талабаси Лазизбек Абдуллаев томонидан тақлиф этилган EcoMatPro лойиҳаси айнан шу муаммони ҳал этишга қаратилган. Лойиҳа доирасида ишлатилган целлофан пакетлар йиғилиб, уларнинг ранги ва тури бўйича сараланади. Кейинчалик улар тозаланиб, қуритилади ва махсус усулда бир хил кенгликдаги пластик тасмаларга кесилади. Тайёрланган тасмалардан механик тўқиш усули орқали мустаҳкам, ювилладиган ва узоқ муддат хизмат қиладиган гиламчалар тайёрланади.

Мазкур лойиҳа нафақат чиқиндилар миқдорини камайтириш, балки уларни иқтисодий жиҳатдан фойдали маҳсулотга айлантириш имконини ҳам беради. Ҳисоб-китобларга кўра, битта гиламча тайёрлаш жараёнида тахминан 180 та целлофан пакет қайта ишланади. Бу эса қарийб 0,9 килограмм пластик чиқиндининг табиатга ташланишининг олдини олади. Агар ишлаб чиқариш кичик стартап даражасида кунига 20 та гиламча ишлаб чиқарса, йил давомида 5 тоннадан ортиқ пластик чиқиндини қайта фойдаланишга жалб қилиш имконияти мавжуд бўлади.

EcoMatPro лойиҳаси экологик барқарорликни таъминлаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳоли ўртасида экологик маданиятни оширишга хизмат қиладди. Шунингдек, бундай ташаббуслар ёшларнинг инновацион фикрлаши ва атроф-муҳит муаммоларига масъулият билан ёндашаётганини кўрсатади.

**Лазизбек АБДУЛЛАЕВ,**  
**Озиқ-овқат технологиялари ва муҳандислиги халқаро институти талабаси**



# КИБЕРХАВФСИЗЛИК

## МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ



**Бугун дунё тезкор суръатларда рақамлашувни бошдан кечирмоқда. Давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, банк-молия, транспорт ва ҳатто кундалик маиший хизматлар ҳам рақамли тизимлар билан чамбарчас боғланиб бормоқда. Бу эса бир томондан инсон ҳаётини енгиллаштирса, иккинчи томондан янги таҳдид ва хатарларни ҳам юзага келтирмоқда. Хусусан, кибермакондаги ахборот тизимларига ноқонуний аралашув, шахсий маълумотларни ўғирлаш, молиявий фирибгарлик, фишинг, интернет орқали тарғиб этиладиган бузғунчи ғоялар каби таҳдидлар жиддий хавф-хатарга айланмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Киберхавфсизлик стратегиясини белгилаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони нафақат соҳадаги мавжуд муаммоларга аниқ ва тизимли ечим беради, балки келгусида мамлакатимиз рақамли хавфсизлигини таъминлашда мустақкам ҳуқуқий ва ташкилий пойдевор вазифасини ҳам бажаради.

Фармонда киберхавфсизлик соҳасидаги асосий стратегик мақсадлар аниқ белгилаб берилгани унинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Унда миллий кибербарқарорликни мустақкамлаш, муҳим ахборот инфратузилмаси ва давлат рақамли тизимларини ҳимоя қилиш,

киберхавфларни тизимли камайтириш, кибержиноятчиликка қарши фаол курашиш, соҳада инновация ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кучайтириш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Бугун “рақамли давлат” тушунчаси шунчаки замонавийлик белгиси эмас, балки самарали бошқарув, тезкор хизмат, очиқлик ва қулайлик мезонига айланди. Лекин рақамли тизимлар қанчалик кенгайса, уларни ҳимоя қилиш зарурати ҳам шунчалик ортади. Шу маънода мазкур Фармонни Ўзбекистоннинг рақамли келажакни муҳофаза қиладиган стратегик ҳужжат, деб баҳолаш мумкин.

Фармонда киберхавфсизлик масаласи фақат битта идора ёки мутахассислар зиммасига юкланган чекланган вазифа сифатида эмас, балки давлат, жамият ва хусусий секторнинг умумий масъулияти сифатида қаралаётгани эътиборга лойиқ. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг Стратегия ҳамда “Йўл харитаси” ижроси учун шахсан жавобгар этиб белгиланиши бу борадаги ёндашув мутлақо янги босқичга кўтарилганини англатади. Хусусан, айрим вазирлик ва идораларда махсус киберхавфсизлик бўлиmlарини ташкил этиш, мутасадди ходимлар фаолиятини кучайтириш, ахборот тизимларини баҳолаш учун ишчи гуруҳлар шакллантириш каби чоралар соҳада амалий назорат ва масъулиятни кучайтиради. Бу, ўз навбатида, киберхавфсизликни “қоғоздаги вазифа” эмас, балки ҳар кунлик бошқарув маданиятининг ажралмас қисмига айлантиради.

Ҳужжатда кибержиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилган. Бугун интернет фирибгарлиги, сохта кўнғироқлар, фишинг сайтлар, банк карталари орқали товламачилик, ижтимоий тармоқлардаги алдов схемалари оддий фуқаролар учун ҳам, бизнес ва давлат институтлари учун ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Шу нуқтаи назардан, рақамли криминалистика имкониятларини кенгайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ихтисослаштирилган бўлиmlар салоҳиятини ошириш, киберлаборатория ташкил этиш, фишингга қарши платформалар яратиш, шубҳали кўнғироқларни аниқлаш ва блоклаш каби вазифалар жуда долзарбдир. Чунки бугунги кунда жиноятчи доимо ниқоб тақиб юрмайди – баъзан у шубҳали ҳавола, сохта

кўнғироқ ёки “бир дақиқа ичида бонус олинг” деган хабар кўринишида келади.

Мазкур Фармоннинг энг муҳим ва келажакка қаратилган жиҳатларидан бири аҳоли, айниқса, ёшларда киберсаводхонлик ва кибермаданиятни шакллантиришга алоҳида аҳамият берилганидир. Ҳақиқат шуки, энг кучли техник ҳимоя воситалари ҳам инсон омили заиф бўлса, қутилган натижани бермайди. Паролга бепарволик билан қараш, сохта ҳаволаларга ўйламай босиш, шахсий маълумотни назоратсиз тарқатиш каби бир қарашда оддий кўринадиган хатолар катта муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Фармонга мувофиқ, юқори синф ўқувчилари учун тарбиявий соатлар доирасида кибермаданият машғулоти ташкил этилиши, ўқувчи ва талабалар учун бепул онлайн курслар, ижтимоий роликлар ва ўқув платформалари яратилиши белгилаб берилган. Бу ниҳоятда муҳим қадамдир. Чунки киберхавфсизлик маданияти – келажак авлоднинг рақамли иммунитетидир. Айниқса, ёшлар интернетдан фойдаланишда фақат техник кўнғирма эмас, балки танқидий фикрлаш, ахборотни саралаш, ёлғон маълумотни ажрата билиш, шахсий хавфсизликни сақлаш каби кўнғирма-ларга ҳам эга бўлиши лозим. Бу эса нафақат таълим, балки маънавий тарбия масаласидир.

Фармонда киберхавфсизлик соҳасида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш, маҳаллий дастурий ва аппарат ечимларни ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорлигини мустақкамлаш каби вазифалар ҳам назарда тутилган. Бу жуда оқилона ёндашув. Зеро, замонавий киберхавфсизликни фақат давлат кучлари билан таъминлаш мумкин эмас. Бунда хусусий IT-компаниялар, илмий муассасалар, стартаплар, технопарклар ва экспертлар ҳам фаол иштирок этиши зарур. Айниқса, миллий дастурий маҳсулотлар, маҳаллий киберҳимоя воситалари ва интеллектуал ечимларни ривожлантириш мамлакатнинг технологик мустақиллигини мустақкамлашга хизмат қилади. Бугунги глобал рақобат шароитида хавфсизлик импорт қилиб олинган товар эмас. У миллий салоҳият, маҳаллий кадрлар, ўз илмий мактаби ва инновацион муҳитга таянадиган тизим бўлиши керак. Шу боис Фар-

монда сунъий интеллект, блокчейн ва бошқа илғор технологияларни жорий этишга доир вазифалар белгилангани жуда аҳамиятли.

Кибертаҳдидлар чегара билмайди. Бир давлатда содир бўлган киберхужум бошқа ҳудудлардаги тизимларга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам Фармонда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, БМТ, МДХ, ШХТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма ташаббуслар ва кибермашғулотларда иштирок этиш вазифалари белгилаб қўйилган. Бу – Ўзбекистоннинг киберхавфсизлик соҳасида нафақат ички тизимни мустақкамлаш, балки халқаро миқёсда ҳам фаол ва масъул иштирокчи бўлишга интилаётганини кўрсатади. Марказий Осиё минтақасида қўшма ташаббусларни ривожлантириш эса умумий барқарорлик ва ўзаро ишончли мустақкамлашга хизмат қилади.

Фармоннинг қиймати унинг мазмунидагина эмас, балки аниқ механизмлар ва муддатлар билан таъминланганида ҳам кўрилади. Энг муҳими, мазкур Фармон орқали киберхавфсизликка муносабат тубдан ўзгармоқда: у энди фақат техник мутахассислар муҳокама қиладиган ихтисослашган йўналиш эмас, балки давлат хавфсизлиги, иқтисодий барқарорлик, жамоат ишончи, ёшлар тарбияси ва миллий тараққиётнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда рақамли тараққиёт йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон учун киберхавфсизлик шунчаки зарурат эмас, балки барқарор келажак, ишончли давлат хизматлари ва ҳимояланган жамиятнинг мустақкам таянчидир. Шу маънода, мазкур Фармон нафақат бугунги муаммоларга ечим, балки келажак авлодлар хавфсизлиги ва фаровонлигига хизмат қиладиган стратегик қадам сифатида мамлакатимиз рақамли суверенитетини мустақкамлаб, янги Ўзбекистоннинг ишончли ва хавфсиз келажакни барпо этишда хал қилувчи ўрин тутаяди.

**Мавлон БОБОХОНОВ,**  
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати**





## «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»

## МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ

**Мамлакатимиз бугунги кунда нафақат иқтисодий, балки маданий ва маънавий юксалиш жараёнига дадил кириб бормоқда. Айниқса, тарихнинг унутилган саҳифаларига, ёзма меросимизни ўрганишга ҳам эътибор кучайди.**

Амир Темур даври тарихига оид қатор бирламчи манбаларнинг ўзбек тилига ўгирилиб, чоп этила бошлангани бунинг яққол мисолидир. Ана шу йиллар ичида бошқа манбалар қатори “Темур тузуқлари” ҳам ўзбек ва рус тилларига ўгирилиб чоп этилди.

Ёш авлод онгида она Ватанга бўлган садоқат шаклланишида, миллий ўзликни англашда, маънавийтимизни юксалтиришда “Темур тузуқлари”нинг аҳамияти жуда каттадир.


Соҳибқирон ва унинг давлати тарихини ўрганишда у ҳақда ёзилган асарларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Бу борада, айниқса, унинг номи билан боғлиқ, унинг ўзи қоғозга туширган “Тузуқлар”нинг бебаҳо манба эканлиги кундек равшан. Ушбу ёдгорлик Амир Темур шахсияти ва унинг даври ҳақида, давлат тузилиши ва салтанат юритиши хусусида, ўша давр об-ҳавоси, одамлари, инсонлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида кенг тасаввур бера оладиган ноёб дурдона асардир.

Чиндан ҳам “Темур тузуқлари” замон зарурати ва талаби билан яратилгандир. Буни давлат бошқариш заҳматларини ўз бошидан кечириб, бу борада

улкан тажрибалар орттирган машҳур муаррих Низомиддин Шомий сўзи билан айтганда “камолоту мартабаларга ўзининг етук саъй-ҳаракати ва жидду жаҳди билан эришган” Амир Темур сингари одамгина ёза олади. Бундай китоб ёзиш шундай одамнинггина қўлидан келади.

“Темур тузуқлари”ни мутолаа қилганда Амир Темур бобомиз нечоғлик юксак маънавият соҳиби бўлганликларининг гувоҳи бўламиз. Бобомиз Амир Темурнинг тарихий асарлар яратилиши ва ёзилишига муносабати, ҳаққоний бўлишига талабчанлиги таҳсинга лойиқдир. Шу жиҳатларга назар ташлаганда кўз олдимизда донишманд, теран ҳаётий тажриба соҳиби бўлган, келажак авлодни ўйлаган, она юрт, мулку миллат учун куйиб ёнган заҳматкаш инсон сиймоси гавдаланади.

Маълумки, “Темур тузуқлари” икки мақоладан иборат бўлиб, биринчи мақола Соҳибқирон ҳаётининг энг эътиборли воқеаларидан ташкил топган ва уларнинг тарих ҳужжатларига айланганликлари билан қимматлидир. Қисқа, содда, тушунарли тилда баён этилган воқеалар ўқувчиларга бирдай тушунарлидир. Иккинчи мақола эса давлат юритишга оид қонун-қоидалар, яъни тузуқлардан ташкил топган. Бу тузуқлар салтанатнинг барпо бўлиш йўлида, ҳаётнинг ўзи келтириб чиқар-



ган ҳаётбахш қонунлар мажмуаси эдики, улар бугунги кунда ҳам аҳамиятга эгадир.

Амир Темур ўша давр илм-фанидан хабардор бўлган. У турк, араб ва эронликлар тарихини, фалсафа, риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт ва бошқа илмлар, шунингдек шеърятни яхши билган. Соҳибқирон фаолияти давомида улуғ ва Аллоҳ буюрган олий инсонийлик фазилатларига астойдил, собитқадамлик билан амал қилди. Азиз фарзандлари ва набираларидан ҳам шуни талаб қилди. Мана шундай ажойиб ишлари билан дунё аҳлини лол қолдирган Соҳибқирон бобомизнинг мақсади “Тузуқлари” орқали фарзандлари ва авлодларига ўз ҳаётий тажрибасини очик-равшан етказиб бериш бўлган. Ўша давр муаррихлари уддалай олмаган ишни у ўзи амалга оширди.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни агар “Темур тузуқлари”га таққосласак, ўзаро уйғунлигини кўришимиз мумкин. Негаки иккаласида ҳам халқ манфаатлари мужассам.

**Отабек ЧОРИЕВ**

**Пастдарғом туман 4-сон техникуми директори**

### МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

### Тахрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ  
Акмал САИДОВ  
Ақтам ҲАЙИТОВ  
Камолитдин ИШАНХОДЖАЕВ  
Отабек ҲУСАНОВ

**Бош муҳаррир  
Максуд  
ЖОНИХОНОВ**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-410  
Адади: 2505

Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 0010-рақам билан  
рўйхатдан ўтказилган.  
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6

## «GREEN UNIVERSITY»ДА ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИ БЕПУЛ ЎҚИТИЛАДИ

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси тасарруфидаги Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети («Green University») томонидан эҳтиёжманд оилалардаги ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий лойиҳа йўлга қўйилди.



# ЖИЁНАТ ВА ОҚИБАТ:

## ЯРАШТИРИШНИНГ ЧЕГАРАСИ БОР

**Ёки  
ишонч  
йўқолган  
жойда  
қарор  
кимники?**

**Сайёр қабулларда кўп ғалати мурожаатлар ҳам бўлиб туради. Ҳозир сизга воқеани айнан келтирамиз. Қабулга она-болалар келган, аниқроғи онаси ва кизи. Аёл 30 - 35 ёшларда, яхши кийинган, бўйлари баланд, оппоққина. Онаси бироз кексароқ, қизининг ташвишида юрибди. Қизгинанинг уй-жойи, эри, ҳамма нарсаси бўлган. 3 нафар фарзанди бор, куёви Ички ишларда ишларкан. Лекин ажрашишяпти...**

Куёви кизи билан яшашни истамайди, кизи эса ажрашмоқчи эмас. «Яшайдиган жойим йўқ, уч боламни боқа олмайман, эрим билан яраштириб қўйинглар», дейди. Онаси қизининг оиласини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишлари таҳсинга лойиқ. Албатта, фарзандлар тирик етим бўлиб

қолмаслиги тарафдоримиз. Ажралишларига нима сабаб бўляпти. Аёл ойдеккина, бирор айби кўзга ташланмайди.

Хуллас, аёлнинг эри билан гаплашишга қарор қилдик. «Фарзандларимни ўзим таъминлайман, қарашаман» дейди, лекин аёли билан яшашни мутлақо истамайди. Сабабини сўрасак, ҳеч нарса айтишни истамади, лекин яшамайди, тамом вассалом. «Бошқа бирон аёлга уйланишни режа қиялмасми, фарзандларингиз тақдири нима бўлади, нахот ўзингизнинг хою-ҳавасингизни деб, фарзандларингиздан воз кечсангиз...» каби панд насиҳатлар айтилди, эркакка тушунтирилди, яна бир марта чуқурроқ ўйлаб кўриш тавсия этилди, хуллас оилани сақлаб қолиш учун ҳамма бирдек ҳаракат қиялпти, ҳаракатлар эса самарасиз...

Аёл билан яна учрашдик, очикчасига гаплашиб олиш зарур.

Энди буёғини нима деб аташ мумкин...Билмадик...

Аёлгинани эри «тутиб» олган экан. Ўз уйида, ўз тўшагида.. Аёл ўзининг ҳалол эри, уч фарзандининг отаси, «кўз» очиб кўргани»ни қаердаги таксист йигитга алмаштирган. «Иш» устида эри келиб қолган...Аёлнинг айби очилди.

Эркакларимиз қизикқон, ориятли. Бизда хотин - эркакнинг номуси, ори ҳисобланади.

Яхшиям, эри ўша йигитни ўлдириб қўя қолмабди. Ўзи ҳам икки беномусни деб қамалиб кетармиди, умри ҳазон бўларди!?

Ақлли йигит экан. Хотинининг айбини очмаган, ўзининг орияти учун...

Лекин бу ОНА ва БОЛАларга нима дейиш мумкин!

Илгарилари бир мақолимиз бўларди «ҲАМ ҒАРЛИК, ҲАМ ПЕШГИРЛИК» дейилармиди...

Аммо бу ерда савол туғилади:

Оилани сақлаб қолиш учун фақат бир томоннинг ҳаракати етарлими? Ишонч бир бор синган жойда уни қайта тиклаш осонми?

Бу воқеада она ва қиз оилани сақлаб қолиш учун курашмоқда. Аммо аёлнинг қилган иши - бу фақат хатолик эмас, балки ишончнинг емирувчи оғир гуноҳ. Оила пойдевори ишонч ва ҳурматга қурилади. У бузилган жойда, ҳатто энг кучли ҳис-туйғулар ҳам уни қайта тиклашга ожиз қолиши мумкин.

Чунки оилани сақлаб қолиш - уни қуришдан ҳам қийин.

Ва энг муҳим ҳақиқат шуки: ишонч йўқ жойда - муҳаббат ҳам, келажак ҳам бўлмайди.

Бундай ҳолларда масъуллар қанчалик ҳаракат қилмасин, оилани сақлаб қолишнинг иложи йўқ. Чунки оила - бу аввало икки инсоннинг ихтиёрий иттифоқи. Ишонч синган, орият поймол бўлган жойда ҳеч қандай тушунтириш, насиҳат ёки босим самара бермайди.

Масъулларнинг вазифаси - яраштириш учун эмас, адолат ва болалар манфаатини ҳимоя қилиш учун хизмат қилишдир. Агар оилада асосий пойдевор - ишонч йўқ бўлса, уни сунъий сақлаб туриш келажакда янада каттароқ муаммоларга олиб келиши мумкин.

Шунинг учун энг тўғри йўл - ҳар бир томон ўз қилмиши учун жавоб бериши, масъуллар эса вазиятни тўғри баҳолаб, аввало болалар тақдири ва ҳуқуқларини таъминлашга эътибор қаратиши керак.

Аччиқ бўлса-да, ҳақиқат шу: баъзи оилаларни сақлаб қолиб бўлмайди - лекин адолатни сақлаб қолиш шарт.

Нима дедингиз?

**Гулчехра БЕРДИЁРОВА,**  
Навой вилоят  
Оила ва хотин - қизлар  
бошқармаси мутахассиси

